

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 30 OKTYABR, JUMA, 127 (7588) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Йирик sanoat korxonalarini neqizida kasanchilikni tashkil etishga jildiy etyibor karatilaetir. Tumanda 2008 yilda kasanchilik asosida 589 ta yangi ish urni tashkil etildi. Joriy yilning utgan davrida esa 316 ta yangi ish urni barpo qilindi. Demakki, shuncha kishining oilasiga baraka kirdi.



Oramizda imorat kutarishga alohida etyibor karatadigan, uning pishiq-puxtaligiga, shakt-shamoyilining kurkam bulishiga va unda zarur sharoitlarni yaratishga harakat qiladiganlar kup. Albatta, bu uz-zaidan bulmaydi. Uy qurish uchun er maydoni olish, poydevor kuyish, tiklash, tomini etyishu pardozlashgacha bulgan jaraenda inson talay kuch, sarf-harajat va vaqt iyyukotadi.



Tugri saqlangan sabzavot va rezavorlar uzoq vaqtgacha ozukaviy qimmatini iyyukotmaydi. Sabzavotlarni yaxshi saqlashning asosiy omili ularni uz vaqtda terib olib, saralash hisoblanadi. Uta pishib ketgan, uzoq vaqt turib qolgan sabzavotlar dagallashadi, eriladi va chirisha moyilligi ortadi.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ КИТОБХОНЛАРИГА "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ" АСАРИНИНГ АРАБЧА НАШРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 16-22 октябрь кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" китобининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот тадбирлари Риёз шаҳридаги Подшоҳ Файсал номли илмий-тадқиқотлар марказида, Абу-Даби шаҳридаги Маданият ва мерос марказида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жидда ва Дубайдаги Бош консулхоналарида бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимларида Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларининг сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий доиралари, нуфузли илмий-таҳлил марказлари, хорижий давлатлар дипломатик корпуси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Подшоҳ Файсал номли илмий-тадқиқотлар маркази Бош котиби Яхё бин Жунайд тақдимот тадбирини очар экан, Ўзбекистон Раҳбарининг миллий-маънавий меросини асраш ва бойитиш борасидаги сиёсатини юқори баҳолаб, "Юксак маънавият – энгилмас куч" китобида қўрилган масалалар саудияликлар учун ҳам яқин, тушунарли ва фойдали эканини таъкидлади.

Марказ профессори Туркий Саху ал-Утайбий китобни катта ҳаяжон билан ўқиб чиққани, асардаги кишиларни меҳр-оқибат ва инсонларпарварликка чорловчи фикрлар ҳар бир инсон қалбидан чуқур ўрин эгаллашини билдирди.

Ислам ва вақф ишлари бўйича вазир маслаҳатчиси, МДХ мамлакатлари бўйича эксперт Маждид Туркий Президент Ислам Каримов Ўзбекистонда миллий маънавий ва маданий мерос ҳамда кадрларни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратаётганини юксак баҳолади. Унинг таъкидлашича, "Юксак маънавият – энгилмас куч" китобида ёритилган мавзулар бугунги кунда ёшлар тафаккурини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. "Китобнинг араб тилида нашр этилиши ва бугунги тақдимот маросими Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-маънавий алоқаларнинг янада муостаҳкамлашида муҳим воқеа ҳисобланади", деди Маждид ат-Туркий.

Подшоҳ Файсал номли илмий-тадқиқотлар маркази профессори ва "Ар-Риёз" газетаси муҳбири доктор Амин Сидо "Юксак маънавият – энгилмас куч" китобининг илмий аҳамиятига юксак баҳо бериб, унда бағрикенглик, ғурур-ифтихор, умумбашарий ва миллий маънавий-маърифий кадрият тушунчалари илмий жиҳатдан кенг ёритилганига эътибор қаратди. Шунингдек у миллий-маданий кадриятлар ва бой тарихий меросни тиклаш борасида Ўзбекистон қисқа муддат ичида улкан ютуқларга эришганини таъкидлади. "Шундай хайрли ишлар натижа-си сифатида Тошкент шаҳрига 2007 йилда ҳақли равишда "Ислам маданияти пойтахти" мақоми берилди", деб қайд этди Амин Сидо.

Жидда шаҳрида бўлиб ўтган тақдимот маросимида ҳам иштирокчилар "Юксак маънавият – энгилмас куч" китоби долзарб мавзудаги теран таҳлилий асар эканини таъкидлади.

Жумладан, Саудиядаги ватандошлар оқсоқоли Сафхон Жалолхон Тўра Марғилоний мазкур китоб ёшларни Ватанга садоқат руҳида ўстириш, турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва уларга қарши тура оладиган авлод сифатида тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлади.

"Аш-Шарқ ал-Авнат" газетаси муҳбири Абдулмажид Абдурауф китобда қўрилган маънавият ва маданиятга оид масалалар нафақат Ўзбекистон, балки бутун мусулмон дунёси учун долзарб ва муҳим эканини таъкидлади.

Исломушунос олим Муҳаммад Умар Тованқандий ўзбек халқи юксак маънавият ва маданияти билан қудратли эканини таъкидлади. "Биз Ўзбекистонда истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ миллий кадриятлар ва маънавий меросни тиклашга катта эътибор берилётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз", деди жумладан у.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида бўлиб ўтган тақдимот маросимида сўзга чиққан Маданият ва мерос маркази про-

фессори Муҳаммад Анад Сулаймон "Юксак маънавият – энгилмас куч" китобида башарият учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан ҳар томонлама кенг ифода ва таҳлил этилганига эътибор қаратди. Шунингдек олим бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаятган долзарб муаммоларни ҳал этиш, халқ маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар ҳамда мафқуралар таъсиридан ҳимоя қилишда мазкур китобнинг аҳамияти беқийёс эканини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари Маданият ишлари вазирлиги маслаҳатчиси, доктор Лубна Муҳаммад ал-Қуна "Юксак маънавият – энгилмас куч" асари бугунги замонда кузатилаётган турли ғоявий таҳдидларга барҳам бериш, шунингдек ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйишда долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. "Ҳозирги кунда глобаллашув ва ахборот технологиялари ривожланишининг ижобий аҳамияти билан бир вақтда ёшлар мафқураси ва тарбияси салбий таъсир қўрсатаётган қўлаб омиқларнинг вужудга келиши кузатилмоқда. Айни шу замонда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарининг араб тилида нашр этилиши биз ва фарзандларимиз учун долзарб аҳамият касб этади", деди жумладан олим.

Бирлашган Араб Амирликларининг марказий нашри "Ал-Иттиҳод" газетаси муҳбири Аҳмад ас-Саъдавийнинг фикрича, "мазкур китоб маданий ва диний кадрларимиз моҳиятини чуқур очиб бериш билан бир қаторда кишиларни бағрикенглик ва маърифатга чорлаши билан ҳам катта қимматга эга".

Тақдимот маросимида араб шоири Зухейр Заъза Ўзбекистон заминининг муқаддас шаҳарлари, ислом дунёси тараққиётига улкан ҳисса қўшган аждодлари, уларнинг шухуви ва қадриятларини ҳозирда ҳам баланд кўтараятган мамлакат раҳбарияти ва халқига бағишлаб ёзган касидаларидан намуналар ўқиб берди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги

Фаргона Вилояти

Қўқонда янги бозор

Яқинда Қўқон шаҳрида янги деҳқон бозори қурилиб, ишга туширилди. Бутунлай янги-ча қиёфа касб этган ушбу деҳқон бозорини Олтиариқ туманидаги «1-Кўчма механизациялашган қарвон» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этди.



Бу ерда замонавий кузатув-коммуникация тизими, махсус лабораториялар, тиббиёт хонаси ишлаб турибди. Шунингдек, саннат маҳсулотлари, истеъмол товарлари, кишим-кечак билан савдо қилувчи замонавий кўринишдаги кўп қаватли савдо иншоотлари ҳам қад ростлади.

СУРАТЛАРДА: Қўқон деҳқон бозоридан лавҳалар.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Сирдарё Вилояти

Гулистон шаҳрида ўтказилган Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун қишлоқларда яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўرғазмаси якунига етди.

Амалий ишларга йўлланма

Кўрғазма давомида "Қишлоққурилишлойиҳа" институти тавсия этаётган яқка тартибдаги бир ва икки қаватли уйларнинг намунавий лойиҳалари ва маҳаллий шароитта мос қурилиш материаллари ҳамда уй жиҳозлари билан қизиқайтлар сафи тобора ўсиб бори.

Иштирокчилар уй-жой барпо этиш, янги қурилиш материалларидан фойдаланиш, имтиёзли кредитларни йўналтиришга бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарларда фаол қатнашдилар.

Кўрғазмада 40 дан ортққ қурилиш материаллари ва уй жиҳозлари ишлаб чиқараётган корхона ҳамда фирмалар, коммуникация ишларини бажарадиган ташкилот, компаниялар иштирок этди.

— Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари кўрғазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди, — дейди "Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳақидирув институти архитектори Икром Му-

родов. — Айниқса, биз тавсия этаётган 4-5 хонали ва икки қаватли 4-8 хонали уйлар намунавий лойиҳалар бўйича шундай уйларни хоҳловчиларнинг чеки йўқ. Бу ҳадемай узоқ қишлоқларимизда ҳам замонавий лойиҳадаги уй-жойлар қад ростлаб, уларнинг ҳусни жамоли ўзгариб кетишидан далолат беради.

— Кўрғазмада намойиш этилган маҳаллий шароитта мос электр ва газ таъминоти жиҳозлари бизга жуда маъқул келди, — дейди Оқолтин туманидаги Сардоба посёлқаси фуқаролар йигини раиси Абдуғани Турускуллов. — Янги уй-жой қурилишида, албатта, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий электр ва газ таъминоти жиҳозларидан фойдаланамиз.

Кўрғазмада иштирок этган қишлоқчи корхоналар билан шу ернинг ўзида маҳсулотлар савдоси бўйича шартномалар имзоланди.

Бозорбой БЕКМУРДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Куннинг муҳим воқеалари

Фаластин Давлати ташқи ишлар вазир Риад ал-Малқийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда 27 октябрь кунини ушбу мамлакат элчихонасининг янги биноси очилди.

Аҳоли пунктлари ўртасида ўтказилаётган "Республикадаги энг яхши қишлоқ" куриқтанловининг Сирдарё вилояти босқичи якунланди. Таълов натижа-сида кўра, Сирдарё туманидаги "Халқобод" фуқаролар йигинига қарашли Қуёш қишлоғи биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

Пойтахтимиздаги "Минг ўрик" археологик ёдгорлигида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағармасининг навбатдаги ижодий лойиҳаларидан бири — "Давр ва рамзалар" III халқаро замонавий санъат кўрғазмаси очилди.

Навоий вилоятидаги Даш-Нагорний каналининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Натижа-да худуддаги 2 минг гектардан зиёд ер майдонининг сув таъминоти яхшиланди.

Сурхондарё вилояти Узун туманида мевасабзавотларни қайта ишлайдиган кичик корхона фойдаланишга топширилди.

Фаргона шаҳрида Аҳмад ал-Фароний меросининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамияти мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

ОБУНА - 2010

Андижон Вилояти

Ушиқ учқунни машъалага айланмоқда

Шаҳрихондан Бўзга келаверишда катта йўлнинг ўнг ёқасида кенг майдондаги кунгабоқарлар мавжиз кўзларини завқлантиради, дилларин яйратади. Чиройли манзара қаршисида бир зум туриб қолсан, киши.

Авжи пишиб етилаётган паллада кунгабоқар бениҳоят гўзаллаша экан. Андижон вилояти туманларида кейинги йилларда кунгабоқар етиштиришга катта аҳамият берилаятир. Бўз туманидаги "Сохибқор умид учқун" фермер хўжалигида ҳам бугўйдан бўшаган май-

донларнинг беш гектарига кунгабоқар экилган эди. Мойли экин яхши парварши қилингани боис ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олиш кутилмоқда.

— Ун бир гектар майдонда бугўй етиштирилиб, ҳар гектардан 54 центнердан ҳосил олинди. Бугўйдан

Йил дастури амалда



бўшаган майдонларга турли хил иккинчи экинлар экилди. Ихтиёрийидаги майдонларнинг 42,9 гекта-

рига пахтанинг "Андижон-35" нави етиштирилди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Маъмур ака Ума-

(Давоми 2-саҳифада)



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан вақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаллиқда — 144 "Hayot" — 145

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодеэкадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвирносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсанот", "Ўзқишлоқхўжалиқмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озик-овқат сановати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагрошассервис", "Ўзғўштусаноат", "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ: УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi бошланган 2008 йилда, ҳатто, нуфузли халқаро экспертлар, мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва уни бартараф этиш чоралари хусусида турли-туман прогнозлар қилиб турган бир пайтда Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари бўйича Давлат дастури қабул қилиниб, тезкорлик билан амалиётга татбиқ этила бошлагани аини мудоао бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз учун инқироzi бартараф этиш ва жаҳон бозориди янги марраларга чиқишни ишончли йўллари белгилаб олинди. Хусусан, банк тизimini қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларни кенг жорий этиш кабилар шулар жумласидандир. Дастлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мамлакатимизга таъсир кўрсатмайдми, бизни четлаб ўтади, деб ҳисобловчилар ҳам бўлди. Аммо улар Ўзбекистон бутун халқро ҳамжамиятининг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми эканини ҳисобга олишмаганди.

Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлигида "Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари дастури"нинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мавзусидаги матбуот анжуманида шу хусусида журналистлар ўзаро фикр алмашдилар. — Инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотека кредити тизимини руй берган танглик ҳолатидан бошланиб, бутун дунёни тавишга солди. — деди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агент-

сий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини қўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқироzга қарши чоралар дастури мамлакатимизни 2009 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши этиб белги-ланган.

Давлатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида олиб бораётган тўғри ва аниқ сиёсати дунёнинг қўллаб-қувватлашга керак бўлса намуна сифатида кўрсатилди. Амалга оширилган ишларни жамоатчиликка кенг тушунтириш, уларда кечаётган жараёнлар ҳақида тўғри фикрни шакллантириш, табиийки, оммавий ахборот воситаларининг зиммасидир.

Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асариди белгилаган қрида ва тавсиялар, умуман турилган муаммони тушунтириш, инқироzга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган ташкилий ишлар, яъни асарнинг мазмун-моҳияти, инқироzга қарши кураш бўй-



Матбуот анжумани

лиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Уткир Жўраев. — Ҳозирги кунда Ер юзи аҳолисининг 6,5 фоизи ишсиздир. Дунёнинг қўллаб-қувватлаш молиявий-иқтисодий инқироziдан қаттиқ азият чекмоқда. Мамлакатимизда эса Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан инқироzга қарши кураш нечоғли одилона олиб борилаётганини йирик халқро молиявий ташкилотлар ҳам ҳолисона эътироф этишмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодий-иқтисодий наъда эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хусу-

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими масъул котиби Эркин Мадраҳимов бошчилигидаги ижодкорлар, тарбиётчилар гуруҳи Янгиерик тумани пахта далаларида бўлиб, фермер хўжаликлари аъзолари билан қизгин суҳбатлар ўтказдилар.

Ана шундай учрашувлардан бири Остона кишлоқ касб-хунар коллежи ўқитувчи-мураббийлари ва ўқувчилари билан бўлди. Унда тарбиёт гуруҳи раҳбари маънавий-маърифий жабҳада зиёлилар олдида турган вазибаларга атрофлича тўхталди, адабиёт илҳомидларига янги шеърларини ҳавола этди. Туман "Саломатлик" маркази раҳбари Феруза Мадаминова ва шифокор Замира Абдуллаева-ларнинг соғлом турмуш тарзи, гўзаллик силари мавзуларидаги чиқишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Учрашуво поёнида Тўлқин Сафоев бошчилигидаги туман маданият уйи катнашчилари томонидан ижро қилинган ашула ва рақслар даврга янада файз киритди.

Рўзигул ҚУРБОНОВА, Янгиерик туманидаги Остона кишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директори ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Шуманайнинг ширин навлари

Шуманай тумани марказида янги новвойихона фойдаланишга топширилди. Бу ерда дастлабки кунийк 2 минг буханка сўлқилдоқ навлар ширирилиб, далада ишлаётган пахтакорларга этказиб берилди. Иш билан таъминланган 15 нафар ёшлар қорхонада тагин уч хил наон маҳсулотлари тайёрлашни режалаштирмоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ташкил қилинган

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойда республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда Президентимиз томонидан 2009 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазибаларини таъминлашга бағишланган мажлисида таъкидланганидек, янги иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида энг муҳим иқтисодий вазибалардан биридир.

КАСАНАЧИЛИК: ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Жорий йилнинг 9 ойда 743,5 мингта ёки 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўп янги иш ўрни яратилган бўлса, шундан 311,1 мингта иш ўрни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, шу жумладан, 203 мингта иш ўрни — ишхоналар ва сервис соҳасида, шунингдек, 77,9 минг иш ўрни меҳнат шартномалари асосидаги касаначилик соҳасида ташкил этилган.

Шу ўринда бир соҳага — касаначиликка алоҳида эътибор қаратилди. "Кишлоқ тарихий ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида касаначилик асосида 70 мингта янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, касаначилик бандлик муаммосини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртинда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастурий-амал вазибаларини ўтаётди.

Агар фикримизни Тошкент вилоятининг Сангиот тумани мисолида давом эттирадиган бўлсак, ўтган даврда бир қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, йирик саноат қорхоналари неғизиди касаначиликни ташкил этишга жиддий эътибор қаратилди. Қорхоналар томонидан касаначиларга етарли шарт-шароит яратиб берилганилиги, зарурий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги, иш ҳақининг вақтида тўлаб борилаётганлиги ютуқларга омили бўлмоқда. Туманда 2008 йилда касаначилик асосида 589 та янги иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 316 та янги иш ўрни барпо қилинди. Демакки, шунча кишининг оиласига бирака кирди.

Президентимиз Фармони талабларига асосан уй меҳнати билан шуғулланувчиларга қорхона томонидан фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар, жиҳоз ва инвентарлардан мол-мулк солиғидан озод қилинади. Яна бир жиҳат шундаки, касаначи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сотилиши тайин. Бир суз билан айтганда, касаначиликни кенгайтириш учун имкониятлар етарли. Буни қорхона ва касаначи билан бир қатор қўлайлик ва имтиёзлар қаролатилади. Қолаверса, бандликка кўмаклашиш, янги иш ўринлари ташкил этишдаги аҳамияти билан жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироziнинг мамлакатимиз иқтисодийига салбий таъсирини бартараф этишда касаначиликнинг муҳим ўрни бор.

Бахтиёр АБДУРАСУЛОВ, Сангиота тумани ДСИ бўлими бошлиғи.

Самарқанд вилояти

Яқинда Самарқандда "Тиббиётда янги технологиялар: хирургия, болалар хирургияси ва радиология" мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Янги технологиялар — тиббиёт ривожланишида муҳим омили

Самарқанд Давлат тиббиёт институти ҳамда Австриянинг Грац тиббиёт университети ўртасида "Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илмини ривожлантириш" бўйича имзолаган меморандум доирасида ўтказилган ушбу халқаро анжуманида Австрия, Швейцария, Германия, Греция, Бельгия, Россия ва Козогистон каби 10 га яқин давлатнинг етакчи мутахассислари иштирок этишди. Улар 3 кун давомидида хирургия, болалар хирургияси ва радиологиянинг долзарб муаммолари, диагностика ва даволаш усулларидаги янгиликлар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Хар бир соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам халқаро ҳамкорлик жуда зарур ҳисобланади, — дейди Европа кардиохирурглари ва радиологияри жамиятининг президенти, Грац тиббиёт университетининг профессори Райнер Рванмюллер. — Бундан тиббиётнинг ривожини тасаввур қилиш қийин. Чунки ана шундай анжуманларда соҳада кўлга киритилган янгиликлар, даволашдаги янгиликларни чуқур таҳлил қилиш ва амалиётга татбиқ этиш имконияти кенгайди.

Анжуманда чет эллик мутахассислар томонидан Самарқанддаги болалар хирургияси илмий марказида олими-ларнинг болалар жаррохлиги соҳасида яратган мактаби ҳамда бу ерда юрак ва бошқа мураккаб операцияларнинг муваффақиятли амалга оширилиб келиши, бу борада тўпланган бой тажриба нафақат Марказий Осиёда, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам яхши маълумлиги алоҳида эътироф этилди.

Маммадёр ЗИЕДИНОВ

Самарқанд вилояти

Ушбу мураккаб йилда аввало, иқлим, ер шароитига мос нав танланди. Сурхондарё вилояти жанубий минтақа. Демакки, вегетация даврида қуёшдан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис синовдан ўтган, мақбул навлар — "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Денов" навлари қададди.

Амалдаги йил баҳори Сурхондарё вилояти миришкорлари учун ҳам аниқ ҳосилни ноқулай келди. Бу эса галла ва пахтадан қутилган ҳосилни олиш учун тажриба ва омилкорликни талаб этди. Галла ҳосили мўл бўлди. Деҳқон ва давлат омбори донга тўлди.

Риққ бутун, кўнгил хотиржам торти. Пахта етиштириш бўйича ҳам кам меҳнат қилинмади. Айни пайтда ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Қумқўрғон, Сарисиб, Денов, Шеробод, Бойсун туманлари пахтакорлари меҳнати, тажрибаси, шижоати билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мураккаб йилда аввало, иқлим, ер шароитига мос нав танланди. Сурхондарё вилояти жанубий минтақа. Демакки, вегетация даврида қуёшдан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис синовдан ўтган, мақбул навлар — "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Денов" навлари қададди. Аммо баҳор серёгин, ноқулай об-ҳаво ту-

файли чигитни қайта экишга тўғри келди. Ғўза парвариши кечикиди. Шунда уста бободехқоннинг тажрибаси қўл келди. Парваришининг оби-тобида, агли-ротехник тадбирларга риоия қилинган ҳолда кучайтирилиши ҳосилнинг бараксини таъминлади. Вилоятнинг 3660 тадан ортиқ фермер хўжаликларида терим ушқоқлик билан ташкил

Ушбу мураккаб йилда аввало, иқлим, ер шароитига мос нав танланди. Сурхондарё вилояти жанубий минтақа. Демакки, вегетация даврида қуёшдан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис синовдан ўтган, мақбул навлар — "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Денов" навлари қададди.

Амалдаги йил баҳори Сурхондарё вилояти миришкорлари учун ҳам аниқ ҳосилни ноқулай келди. Бу эса галла ва пахтадан қутилган ҳосилни олиш учун тажриба ва омилкорликни талаб этди.

Риққ бутун, кўнгил хотиржам торти. Пахта етиштириш бўйича ҳам кам меҳнат қилинмади. Айни пайтда ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Қумқўрғон, Сарисиб, Денов, Шеробод, Бойсун туманлари пахтакорлари меҳнати, тажрибаси, шижоати билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мураккаб йилда аввало, иқлим, ер шароитига мос нав танланди. Сурхондарё вилояти жанубий минтақа. Демакки, вегетация даврида қуёшдан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис синовдан ўтган, мақбул навлар — "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Денов" навлари қададди. Аммо баҳор серёгин, ноқулай об-ҳаво ту-

файли чигитни қайта экишга тўғри келди. Ғўза парвариши кечикиди. Шунда уста бободехқоннинг тажрибаси қўл келди. Парваришининг оби-тобида, агли-ротехник тадбирларга риоия қилинган ҳолда кучайтирилиши ҳосилнинг бараксини таъминлади. Вилоятнинг 3660 тадан ортиқ фермер хўжаликларида терим ушқоқлик билан ташкил

Ушбу мураккаб йилда аввало, иқлим, ер шароитига мос нав танланди. Сурхондарё вилояти жанубий минтақа. Демакки, вегетация даврида қуёшдан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис синовдан ўтган, мақбул навлар — "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Денов" навлари қададди.

Амалдаги йил баҳори Сурхондарё вилояти миришкорлари учун ҳам аниқ ҳосилни ноқулай келди. Бу эса галла ва пахтадан қутилган ҳосилни олиш учун тажриба ва омилкорликни талаб этди.

Риққ бутун, кўнгил хотиржам торти. Пахта етиштириш бўйича ҳам кам меҳнат қилинмади. Айни пайтда ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Қумқўрғон, Сарисиб, Денов, Шеробод, Бойсун туманлари пахтакорлари меҳнати, тажрибаси, шижоати билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мураккаб йилда аввало, иқлим, ер шароитига мос нав танланди. Сурхондарё вилояти жанубий минтақа. Демакки, вегетация даврида қуёшдан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис синовдан ўтган, мақбул навлар — "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Денов" навлари қададди. Аммо баҳор серёгин, ноқулай об-ҳаво ту-

файли чигитни қайта экишга тўғри келди. Ғўза парвариши кечикиди. Шунда уста бободехқоннинг тажрибаси қўл келди. Парваришининг оби-тобида, агли-ротехник тадбирларга риоия қилинган ҳолда кучайтирилиши ҳосилнинг бараксини таъминлади. Вилоятнинг 3660 тадан ортиқ фермер хўжаликларида терим ушқоқлик билан ташкил

Самарқанд вилояти

Касбий билим тақомиллашмоқда

Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Германия тэхник ҳамкорлик жамияти (ГТЦ)нинг "Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида Қарши ахборот технологиялари коллежида ўқув курси ташкил этилди.

Маълумки, ОАВ олдида турган долзарб вазибаларни бажариш жараёнида уларнинг фаолиятини янада тақомиллаштириш, хусусан, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа равнақига хизмат қилувчи ислохотларни амалга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув курси катнашчилари мақолали мутахассислардан сабоқ олиб, зарур адабиётлар билан таъминланди. Бу эса ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий билим-кўникмаларини ўз фаолиятларида фойдаланиш имконини беради.

Ўқув курси якунида тингловчилар ягона баҳолаш мезонини асосида имтиҳондан ўтказилди, уларга тегишли сертификатлар топширилди.

Қаршида наврўз майдони

Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги хиббонда таъмирлаш ишлари бошланди. Ҳадемай ўзгача чирой касб этадиган ушбу масканга Наврўз номи берилади.

"Шўртаннефтгаз" унитар шўба қорхонаси ҳомийлигида амалга оширилаётган бу кенг қўламли бунёдкорликдан қўзланган асосий мақсад ажойиб сайиғоҳо яратишдир. Бир пайтлари темир-бетондан вужудга келтирилган майдон тубдан қайта қурилади: махсус чимлар ётқизилади ва манзарали дарахлар, анавий гуллар экилади. Кичик меъморий шакллар, фаворалар ҳамда бошқа иншоотлар бир-бирига монанд кўринишга эга бўлган ягона ансамблга айлантирилади. Шунингдек, хиббон яқинидаги бино ва иморатлар атрофида, жумладан Фуркат кўчасида ҳам ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Шаҳар марказидаги Мустақиллик майдони каби Наврўз майдони ҳам одамларга хушайфият бағишлаш билан бирга Қаршига таширф бўлган меҳмонлар мароқли дам оладиган оромгоҳ бўлиб қолади.

Хусан ТЕМИРОВ

Сурхондарё вилояти


Муваффақият омили — тажриба ва омилкорликда Сурхондарё вилояти пахтакорларини ҳам ушбу йил табиати қаттиқ синовдан ўтказди

Амалдаги йил баҳори Сурхондарё вилояти миришкорлари учун ҳам аниқ ҳосилни ноқулай келди. Бу эса галла ва пахтадан қутилган ҳосилни олиш учун тажриба ва омилкорликни талаб этди. Галла ҳосили мўл бўлди. Деҳқон ва давлат омбори донга тўлди. Риққ бутун, кўнгил хотиржам торти. Пахта етиштириш бўйича ҳам кам меҳнат қилинмади. Айни пайтда ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Қумқўрғон, Сарисиб, Денов, Шеробод, Бойсун туманлари пахтакорлари меҳнати, тажрибаси, шижоати билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бухоро вилояти

Келгуси йил ҳосили учун кўзга дон экиши мавсуми Жондор туманидаги "Қаҳрамонона Феруза" фермер хўжалигида белгилаган муддатларда ниқосясига этказилди. Айни кунда ям-яшил майсаларга бурканган 50 гектар майдондаги экинларнинг бараб раивожи киши кўзини қувнатади. Бу ҳол ҳар йили галладан мўлқўл ҳосил олиб келаётган хўжалик аъзоларининг келгуси йилда ҳам хирмонлари баракали бўлишидан дарак бериб турибди. Ҳозирда галларларни суғориш ишлари юқори агротехник талаблар асосида олиб борилаётганлиги алоҳида эътиборга сазоли.

СУРАТДА: Фермер Фаррух Жабборов. Ҳамроз Али олган сурат.



Ҳамроз Али олган сурат.

хиди ўрни бор. Пахта майдонининг 92 минг гектари сифатли дефолиация қилинди. Ҳосилнинг асосий қисми ёгин-сочинли кунларга қолдирилмай, юқори навларга топширилди. Бу жараёнда деҳқон кўмақдоши — "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг мундосиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш керак. Вилоятда 2009 йил ҳосили учун асосий майдон фосфорли ўғитлар билан шудгор қилинганлиги. Экиш ва озиклантириш даврида пахта майдонларида эса 10690 тонна фосфорли, 343 тонна калий-ли минерал ўғитлар эритмаси билан барг орқали 3 марта суспензия қилинди. Бунинг натижасида, кўнгилдагидек ҳосил тўпланди.

Вилоят далаларида ҳали ҳосил бор. Уни нест-нобуд қилмай йиғиштириш олиш ишлари давом этмоқда.

Жуманазар АНОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

УЙ ШУНЧАКИ БОШПАНА ЭМАС

Икки қўшининг салом-алиқдан сўнги суҳбати уй-жой масаласидан бошланди.

— Эй, нимасини айтасиз, дўстим, ўзингиздан қолар гап йўқ. Кенжатоини уйлантириш таратдидада юрибмиз. Тезроқ тўнғичимизни ҳам уйли-жойли қилмасак бўлмайди. Хуллас, иккита катта харажатли масала бир пайтага тўғри келиб турибди-да. Қўлимизда озгина йиққан-терганимиз бору, аммо иш бошлашга юрак бетламайроқ турибди. Иморат чаларям ҳолда қолиб кетса, олиндида қиш, ёгин-сочинчи кунлар. Бир уй, бир даҳлиш куриб чиқариб кўя қолай десам, ўлим кўнамапти, — дардини тўкиб солди бири.

— Бир ҳисобда ўлингиз тўғри қилади. Эсингиздами, ўзимиз неча марталаб уй тикладик. Имконият йўқлигидан, қолаверса, ҳафсаласизлик қилиб, омонат бошпана курдик, кейин ҳали у ерини, ҳали бу ерини ямайверди, эсимиз кетди. Дарвоқе, ҳали эшитганингиз йўқми, қишлоқда уй-жой қурувчилар учун имтиёз кредит ажратилаётганмиш. Ўлингиз ҳам, келиннгиз ҳам ўқимашли, иш жойи тайин. Қредит олиб, қурилишни бошлайверсангиз бўлади-ку, — дея янглиқдан воқиф этди қўшининг иккинчиси.

— Ўғлим билан келиним ҳам шундай деппти. Лекин мен қарзни ёмон қўраман-да.

— Бекор қиласиз, дўстим. Ўн беш йилгача фарзандларингиз оз-оздан тўлаб боришди. Ҳозир бировдан қарз сўраб қўрин-чи, бераммикин? Ҳуқумат ҳиммат қилиб турганда имкониятдан фойдаланиб қолмайсизми? Ана, маҳалламиз-

даги Абдулазизнинг ўғли банкда ишлайди. У йўл-йўриқни яхши билади...

Ха, бугунги кунда ҳар бир инсон ўз орузидагидек кўркам ва барча шарт-шароитларга эга бўлган замонавий уйда истикомат қилишни хоҳлайди.

Этибор қилган бўлсангиз, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри" ҳикоясида шундай гаплар бор: "Дехқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта ҳода, бир арава қамиш — уй, ҳўкизи топиш учун неча замонар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади". Яқин-яқингача уй биз учун шунчаки бошпана бўлиб, қор-ёмғирдан, иссиқ-совуқдан ҳимоя қилса қифоя эди. Баъзан шу вазифини ҳам ўтаб беролмасди бу уй деганлари. Бугун эса унга қўйиладиган талаблар ўзгарди.

Тасаввур қилинг-а, кўпгина мамлакатлар аҳолиси ота-боболари қурган уйларида истикомат қилишда ва турар-жойларининг нечанчи асрда қурилгани, қадимийлиги билан фахрланишди. Бобо катта меҳнат ва куч сарфлаб, пишк-пукта уй қуради, унинг келинги авлодлари эса кўчини ўзи, оиласи ва жамят учун фойдали бўлган бошқа нарсаларга сарфлайди. Уйлаб қаралса, бу нафақат оиланинг, балки мамлакат тараққиёти учун ҳам зарур шартлардан биридир.

Орамизда иморат кўтаришга алоҳида этибор қаратадиган, унинг пишк-пукталигига, шакл-шамойилининг кўркам бўлишига ва унда зарур шароитларни яратишга ҳаракат қилаётганлар кўп. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмади. Бу ўринда Президентимизнинг 2009



Йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларидида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори айнаи мудадо бўлди. Ўз вақтида ва

қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг ўзи пудратчи ташкилотини танлов асосида белгилайди ва мутахассислардан иборат комиссия уй қуриб битказилгач, уни қабул қилиб олади. Уй эгаси ортиқча оворагарчилик ва

Ўйларимиз ҳақида ўйларимиз

узқони ўйлаб қабул қилинган ушбу қарорни юрдошларимиз, айниқса, қишлоқ аҳолиси катта мамнунияти билан қутиб олди.

Аслида уй-жой қуриш инсон ҳаётидаги энг катта ва муҳим масалалардан бири. Уй қуриш учун ер майдони олиш, пойдевор қўйиш, тиклаш, томини ёпиш пардозлашгача бўлган жараёнда инсон талай куч, сарф-харажат ва вақт йўқотади.

Шунча ҳаракатлар ва бу орада пайдо бўладиган даҳмазалар ҳар қандай кишининг тинка-мадорини қуритиши табиий. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, "Қишлоқ қурилиш банк"дан кредит олган фуқарони эса бу нарсалар чўчита олмайди. Чунки "Қишлоқ

ташвишлардан ҳалос бўлади. Бундан беш-олти йил аввал бир танишим яхши уй қурмоқчи бўлди. Бу борада тажрибаси ва билими йўқлиги боис шу соҳани биладиган кишилардан ўз хоҳишидаги уйнинг лойиҳасини чизиб беришни сўради. Ўша танишим лойиҳанинг ўзига анча-мунча маблағ сарфлади. Энди эса кредит олиб, уй қурмоқчи бўлган фуқаро "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти мутахассислари томонидан тайёрланган уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларидан бирини танлаш имкониятига эга. Энг асосийси, бу лойиҳаларни ишлаб чиқишда жойнинг рельефи, иқлим шароитлари, халқимизнинг миллий хусусиятла-

ри, яшаш тарзи ва урф-одатлари ҳисобга олинган.

Кредит ажратиш жараёнида уй-жой қуриш учун ер майдони турман ҳокими қарори билан қимомши савдосисиз умрбод фойдаланишга берилиши ҳам фуқаро учун катта имконият. Юртбошимиз фарғоналик қишлоқ меҳнатқашлари билан бўлган учрашувда бу масалага алоҳида тўхталиб, ўзбек халқининг болажон ва меҳмондўстлиги, уй ёнига уй ва кўшимча иморатлар қуришини ҳисобга олган ҳолда ер майдонини кўпроқ ажратиш лозимлигини ҳамда бу борада суиистеъмолчиликка йўл қўйиш асло мумкин эмаслигини таъкидладилар. Шунингдек, уй-жой қурилишни ривожлантириш энг аввало, қурилиш материалларининг сифати ва нархига боғлиқ эканини қайд этиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ тўлаш бўйича қатор энгилликлар берилгани ва бундан кейин ҳам қўллаб-қувватланишини билдирдилар.

Аҳолисининг қандай турар-жойларда яшашни қайсибир маънода шу мамлакатнинг иқтисодий салохиятини, турмуш даражасини ҳам белгилайди. Қишлоқларнинг режа асосида барпо этилиши ва уларда уй-жой қурилишига этибор қаратилаётгани қишлоқларимизнинг кўркам бўлиши гарови. Зеро, юрт фаровонлиги қишлоқлар тарраққиётига боғлиқ экани йилмизмизнинг норманишида ҳам буй кўрсатиб турибди. Ушбу яхрилы ташаббуснинг замирида яна бир муҳим мақсад муржасам. Бу ислотқ фуқароларимизда уй-жой қуришга бўлган муносабатни ўзгариштириш аниқ. Энди биз ўзимизга ва авлодларимизга кўп йиллар хизмат қиладиган пишк ва пукта уйлар қураимиз.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА



Энг нотинч минтақа

Дунёнинг энг нотинч минтақаси бўлиб турган бу худуд учун октябрь ойи ўта мураккаб келди. Афғонистонда жойлашган НАТО иттифоқчи қучлари, хусусан, АҚШ ҳарбийлари ушбу ойдаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида энг катта йўқотишларга учраган бўлса, Покистон ва Ироқда бир неча бор террорчилик ҳужумлари амалга оширилди. Айниқса, октябрь ойининг сўнгги ҳафтаси радикал қучлар энг фаоллашган давр бўлди. Ҳафта бошида 25 октябрь кун Ироқ пойтахти Бағдод шаҳри марказида жойлашган ҳуқумат бинолари олдига террорчилик акти амалга оширилгани ҳақида хабарлар тарқатилган эди. "Ал-Қоида"нинг бўлими бўлимиш "Ироқ Ислот давлати" террорчи ташкилоти ўз бўйига олган мақсад портлаш натижасида 155 киши вафот этди. 700 киши жароҳатланди. Аммо радикал қучлар бу билан қифояланмади. Уттан кеча оммавий ахборот воситаларида нотинч минтақада яна бир неча террорчилик ҳужумлари амалга оширилгани ҳақида хабарлар тарқатилди. Уларнинг мақсад ва вазиқаси, сабаблари турлича талқин қилинаётган бўлса-да, аслида бир-бирига ҳамбарчас боғлиқдир.

Мақсад — ИРОҚДАГИ ИКТИСОДИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИБОЙ ВОЗИЯТИ ИЗДАН ЧИҚАРИШМИ?

Жорий йилнинг август ойида Ироқ молия, мудофаа, ташқи ишлар вазири, 25 октябрь кун эса азия вазирига ҳамда шаҳар маъмурияти биносига кетма-кет ҳужумларнинг уюштирилиши бунга яқол мисол. 28 октябрь кун эса "Рейтерс" агентлиги диверсия оқибатида Ироқнинг стратегия нефть қувири Киркук-Жейхан ишдан чиқарилгани ҳақида хабар тарқатди.

Ироқ бюджетининг 90 фоизи нефть экспортдан тушган даромад ҳисобига тўлдирилади. Узунлиги 950 км бўлган Киркук-Жейхан қувири орқали 2009 йил 490 миң баррел нефть экспорт қилинган бўлиб, у Ироқ шимолдаги Киркук шаҳрини Туркиянинг Жейхан порти билан боғлайди. Мутахассислар ушбу диверсияни Ироқ шимолида истикомат қилувчи курд халқи сепаратистлари амалга оширган дея тахмин қилмоқда. Сабаби, курдлар аввал ҳам бир неча бор ресурсларни мустақил тасарруф этиш истагини билдириб, нефть қуруларини портлатишганди. Бу шундоқ ҳам оғир бўлиб турган Ироқдаги вазиияти яна мураккаблаштироқда.

ПОКИСТОН: Клинтон хонимни қутиб олиш шарафига...

28 октябрь кун Покистоннинг Пешовар шаҳрида яна бир ҳунрезлик амалга оширилди. Пешовар бозорларидан бирида харақатга келтирилган портловчи мослама 105 кишининг умрига зомин бўлди. Умуман Пешоварда террорчилик актларининг амалга оширилиши тез-тез учраб турадиган ҳолат. Сўнгги ойнинг ўзида шаҳар ва унинг атрофида бўлиб ўтган портлашлар натижасида 200 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Қўнлиқ Пешовардаги терактни АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Покистонга ташрифи билан боғлади. Ташриф билан терактни бир вақтга тўғри келгани бир сабаб. Иккинчи сабаб эса Клинтон хоним Ислотмодага айнан терроризмга қарши кураш чораларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш мақсадида ташриф буюрган.

Маълумки, Афғонистон ва Покистон чегараси — "Қабилалар худуди" (Вазиристон вилояти)да кўпгина радикал қучлар, хусусан, толибончилар кўним топан. Покистон ҳуқумати мамлакат ичарисини "тинч қўйиш" эвазига толибончиларга ҳақ тўлаётгани тўғрисида маълумотлар бор. АҚШ ҳуқумати Покистон ҳуқуматининг террорчилар билан музокаралар олиб бораётганидан қаттиқ норози. Клинтон хонимнинг Покистонга ташрифи чоғида қўриладиган асосий масала шундан иборат.

АФҒОНИСТОН: сурбетларча амалга оширилган теракт

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Қобул шаҳридаги БМТ ваколатхонасига қилинган террористлар ҳужумини қоралар экан, уни сурбетларча икро этилган теракт дея баҳолади. Қобулда толибончилар АҚШ ҳуқумат қучларига эмас, айнан БМТ миссиясини амалга ошираётган ишчилар жойлашган биного ҳужум уюштирган. Натижада 12 киши ҳалок бўлди. Уларнинг 6 таси БМТ ходимлари бўлиб қиди. Шу билан бирга толибончилар президент саройи ҳамда асосан чет элликлар истикомат қилувчи Serena меҳмонхонасига ҳам ҳужум қилишган. "Толибон" ҳаракати вакили оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиб, ушбу терактлар учун жавобгарликни ташкилот ўз бўйиғига олишини билдирган ва бу ҳужум 7 ноябрь кунга белгилиниб, Афғонистон президентлигига ўтказилдиган иккинчи тур сайловларини бузиш ниятида қилинганини айтган.

Интернет хабарлари асосида Азиз НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

Қашқагарё Вилоят

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Қашқадарё вилоятида манзиллий дастур бўйича 205 та мактабни қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган эди. Шундан 18 тасида янги бино қуриш (бунинг 10 таси мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, 8 таси Саудия Арабистони ва ОПЕК жамғармалари кредити ҳисобидан) режалаштирилган, 66 та мактабда капитал реконструкция, 66 та мактабда капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, шу кунгача биуротмачи — вилоят "Инжиниринг" компанияси томонидан 10 та мактаб янги қурилиб, 64 та мактаб капитал реконструкция қилинди ва 66 та мактаб капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

МУАЛЛИМ МАҲОРАТИ — МАОРИФ ҲАЗИНАСИ

Мақкур мактабларга 8,2 миллиард сўмлик компьютер синфлари, махсус фан хоналари ва маъмурий ҳамда методик хоналар учун замонавий ўқув жиҳозлари олиб берилиши мўлжалланган бўлиб, ҳозиргача 5,9 миллиард сўмлик ўқув жиҳозлари ўрнатилди.

Қишлоқда туғилиб ўсганлигим ва вилоят миқёсидаги таълим муассасаларининг ҳақиқий аҳолини 40 йилдан кўпроқ билганим учун бундай замонавий бино ҳамда жиҳозларни қўриб, қувоним ичига сиғмайди. Чунки, меҳнат фаолиятим давомида полсиз, потолоксиз биноларни, синф доскаси етарли бўлмаган муассасаларни, лаборатория жиҳозлари, устакхоналар бўлмагани ҳолда фақат расмий ҳужжатларда, ҳисоботларда уларнинг қайд этилганини яхши билман. Бугунги ёшларнинг бахти шундаки, уларга давлатимиз томонидан ўқуш, спорт билан шуғулланиш, халқаро алоқаларда бўлиш, илмий-тадқиқотларга қўл уриш каби чекланмаган имкониятлар яратилмоқда. Масалан, Нишон туманидаги 35-мактаб ўқувчилари бемалол компьютерда ишлаётганлигини, Ғузор туманидаги 5-мактабнинг 4-синф ўқувчилари компьютерда рангли расмлар чизаётганлигини, иқтисодшарга мактаб ўқувчиларининг деярли оз физио олий ўқув юрталарига ўқишга қираётганлигини қўриб, беихтиёр қувонсан киши. Биз қашқадарёликлар бундай ўқув муассасалари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки таълим муассасаларида, қишлоқ мактабларида ўзига хос ташаббускорлик шаклланиб, ҳар бир ўқувчига қаролатили билим берилаётгани уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун шароитлар яратилаётгани айниқса эътиборга молиқдир.

Республикамизда 8 нафар таълим ходимининг Ўзбекистон Қаҳрамони эканлиги, "Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, қишлоқ мактабларининг моддий базаси яхшиланиб, кадрлар сифати такомиллашиб бораётганлиги мамлакатимизнинг истиқболли деб ўйлайман.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган бир қатор билимдон ва жонқуяр ўқитувчилар борки, улар таълимнинг мазмунига доимо камарбаста. Шулардан бири Гулбодом Эштурдиевадир. У Косон туманининг Аброн қишлоғида туғилиб ўсган. Барча фаолиятини бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беришга қаратганлардан. Унинг 10 дан ортиқ методик қўлланмалари республика миқёсида оммалаштирилган.

Касби туманининг Денов қишлоғидаги 26-мактабда дарс бераётган Назоқат Абдуллаеванинг фикри ёди ўқувчиларнинг ҳусниҳатига қаратилган. Муаллима "Чиройли ёз, ёзсанг хат, чунки у ҳам зўр санъат" деб билади. Ўқитувчи яратган "Хусниҳат" методик қўлланмаси вилоят бошланғич синф ўқитувчиларининг сеvimли китобига айланиб қолди.

Шаҳрисабзлик Гулчехра Йўлдошева республикада биринчи бўлиб 2-4-синф ўқувчилари учун "Баёнлар тўплами"ни яратди. Ғузорлик Елена Аминова эса дарс жараёнида халқ озғаски ижодидан фойдаланишда катта ютуқларга эга. Бундай мисолларни воҳадаги қишлоқ мактаблари ҳаётидан жуда кўплаб келтириш мумкин.

Мавжуд илгор тажрибаларни қидириб топиш, уларни босқунча-босқун оммалаштириб бориш зиёлиларимизни янада фаолликка етаклайди.

Жомурод ЖИЛОВОВ, Қашқадарё вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг кафедра мудири.

Сирдарё Вилоят

ОЛТМИШТА ФЕРМЕР — БАЛИҚЧИ

Соҳа ривож аҳоли эҳтиёжини ташминлаш ва иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда

Фаровонликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири — озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришдир. Дунёнинг кўпгина давлатларини ташвишга солаётган муаммолардан бири ҳам айни шундадир. Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, аҳоли эҳтиёжини қондириш ва шунинг баробарида экспорт имкониятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Кейинги йилларда анчайин ривожланаётган тармоқлардан бири балиқчиликдир. Соҳада амалга оширилган ислотлар натижаси ўзини намоён этапти. Хусусан, мулкчиликнинг турли кўринишларидан фойдаланиш, тадбиркорликнинг самарасини эл дастурхонини хуштаъм ва парҳез неъмат билан таъминлашда кўриш мумкин.

Бу жараёни Сирдарё вилоят балиқчилик уюшмасида олиб борилаётган ишларда тахлил этиб кўрайлик.

Фермерлик ҳаракати ўзининг истиқболлигини кўрсатди. Бугун фермерлар нафақат қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, балки ташаббускорликда ҳам етакчилик қилмоқда. Фермер ҳўжаликларини қошида чорвачилик, паррандачилик фермалари ташкил этилди. Маҳсулотларни қайта ишлаш миницеҳарни барпо қилинган. Фермерлар балиқчилик соҳасининг ривожига ҳам ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Жумладан, Сирдарё вилоятида 60 дан ортиқ фермер ҳўжалигида балиқчиликка асос солинди. Бунинг учун махсус кичик қўллар ташкил этилди. У ерда лаққа, сазан, дўнгпешона каби балиқ турлари етиштирилди.



Табиийки, балиқчиликнинг ривожини энг аввало, уларнинг иқлим ва шароити мос турларини танлашга боғлиқ. Шунингдек, балиқларнинг аҳоли севиби истеъмол қиладиган турларини кўпайтириш зарурати юзага келди. Уюшма қошида махсус цех ташкил қилиниб, бу ерда наслилик ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Карп, чипор, дўнгпешона, оқ дўнгпешона, оқ амур каби балиқ турлари кўпайтирилди. Соҳа ривожига муҳим роль ўйнайдиган озуқа базасини мус-

Шунингдек, балиқ гўштининг миңг хил хилосати бор. Халқимизда луқмаи ҳалол деб эъзозланадиган балиқ маҳсулотларини етиштиришни янада кенгайтириш борасида амалий ишларни ривожлантирамиз. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, соҳа ривожига аҳоли эҳтиёжини қондириш баробарида янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётди.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири

Хоразм Вилоят

ДАРОМАД 170 МИЛЛИОН СЎМ БЎЛАДИ

Ҳа, «Мадад» фермер ҳўжалигининг ушбу йилги режаси шундай

Узоқдан атрофи гўжум ва толлар билан ўрланган уй кўзга ташланди. Унга яқинлашганимизда бизни "Мадад" фермер ҳўжалиги раҳбари Фарҳод Раҳимов очик чехра билан қутиб олди. Мақсадимизни англаган ер соҳибни тўғри далоси томон бошлади.

— Иктивримиздаги 128 гектар майдоннинг 76 гектарида пахта етиштирилди. Унинг 40 гектари уруғлик, — дейди у юқини кўтаролмай эгилган гўза тулларига ишора қилиб. — Бу ўзимизда синодан ўтган истиқболли "Жайхун" нави. Ундан 15 тонна элита, 45 тонна биринчи авлод уруғлик сотишни кўзлаганимиз. Дастлабки доводдан ошиб ўтдик ва йғим-теримни жадал давом эттирямиз.

Пайкалга назар солар эканмиз, фермер "Жайхун" навини танлаб янглишмаганини англадик. Бу нав серхосиллиги ва толасининг сифатлилиги билан афзаллигини кўрсатмоқда.

Яна бир томони — вегетация даврида унинг ён шохлари тарвақайлаб ўсмайди. Хосил элементлари ўқюда ва ундан ёнбошга салгина чиққан шохчаларда бўлади. Бу эса гўза тулининг кўёш хароратидан тўла баҳраманд бўлишини, хосилнинг барвақт пишиб етилишини таъминлайди. Айни воҳа туپроғига ва иқлим шароитига мос. Чигитлар сони 9-11 тадан кам бўлмайди. Жамоа 2008 йили гектаридан 51 центнердан юқори сифатли маҳсулот соттанлиги бунинг мисолидир. 2000 йили 12 гектар майдонда фаолият бошлаган Қўшқўр туманидаги "Мадад" фермер ҳўжалиги айни пайтда



Холмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ФЕРМЕРНИНГ «ЮМУШИ» КЎП

ёхуд Сарви холанинг ғалати илтимоси

— Эҳ, ошна, у, бу дейсизу, аслида фермерларга ҳам осонмас. Тунов кунни маҳалла оқсоқоли нима дейди денг:
— Абдукаримнинг ўғли кўчага чиқолмаётган эмиш. Шу болага пойабзал олгани ёрдам бергин. Ахир сондақа фермерлар бева-бечораларга ёрдам қилишяпти-ку.
— Бўпти, ёрдам қилай, — дедим. — Лекин Абдукаримнинг тарозига қўйса, нақ 100 килодан ортиқ тош босади. Уни бева-бечоралар сирасига қўшиб бўлмайди. Ногирон эмас, ишласа, мендақадан тўртасининг ишини қилади. Шундай полдон йилнинг боласига мен оёқ кийим олиб берсам, қандай бўларкин? Сиз менга ишга ярамайдиган ногиронни айтинг, қийнаётган бирон оилани — ҳар қанча ёрдам бўлса бераман.
Шундай дедим, оқсоқол гўлдираганича чиқиб кетди...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб ёнимиздаги мактабнинг директори кўчада учратиб қолиб, йўлимни тўсди:
— Ҳорманг, фермер ака. Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, деган яхши гап бор. Сизга ишониб, анча-мунча тадбирларни шартта ўтказиб юбораваримиз. Борингизга шукр, ака. Энди, гап бундай: шу hafta-да маҳалламиздан чиққан биринчи савдогар Очил тоға билан учрашув ўтказмоқчимиз. Учрашув ўз йўлига, ўзингиздан қолар гап йўқ, тоғани куруқ қузатсак, унча-лик ўхшамайди-да. Кичикроқ бўлса ҳам совға-ловға дегандай...
— Биринчидан, — дедим мен ҳам дангалига, — Очил тоғангиз тугилгандан бери савдогар. Уйига кирсангиз мол-дунёни кўнглидан ҳолироқ ўтиргани жой тополмайси. У менинг арзимас совғамни бошига урадим? Иккинчидан, эсимни танганимдан буён биланман, Очил тоға маҳаллага қийиниб бирон савобли иш қилганмас. Хатто кўннисига ҳам молини икки баро-бар фойдасига сотади, деб эшитганман. Шунинг учун мендан хафа бўлмайси. Бундан кўра, қаби калтарок бирон оиланинг фарзандларига уст-бош, китоб-дафтар денг, айтган захотингиз олиб бермаган номард.
Директор хайрни ҳам насия қилиб жўнаворди.
Бошқасини қўйинг, ён кўшимиз Сарви холанинг ғалати илтимоси ҳаммасидан ўтиб тушди.
— Айланиб кетай, пермер болам, — деди у елкаларимни силаб. — Тугилганимда ҳаммадан кўп мен севинганман. Нега десанг, мана шу-



пирдордим. Сенинг ерларингизни ўғлимни деб мақтанвордим. Она бўлиш қийин, пермер ўғлим, менга осон тутмагин, хафа ҳам бўлмагин. Энди ўғил болалик қилиб, бир ёрдам қилсан-да.
Келин томондан келишиб, суриштириб қолишса, "Шу ерларнинг ҳаммаси Райм-тойиники, мен кўлида ишлайман", деб қўйин-а, холанг ўргилсин.
Ишонсангиз дод, деворгим келдию, уялдим.
Бунинг устига, онам тенги кекса аёлга нима ҳам дейман? Ичимади биронини ерини гаровга қўйиб уйланадиган ишқмас, хотинбоз ўғилни болаб сўқдим, ташимда "хўп" деб қўя қолдим. Ишқилиб, "сохта фермер"нинг мисли чиқиб, Раймтой яна хотинсиз қолмас бўлгани.
Мана шунча гаплар, ошна. Биз фермерларга қийин. Айтаварсам гап кўлу, лекин ҳозир банкка бориш керак эди-да. Сизда бунақа машашлар бўлмаса керак-а?
Раҳима АБДУРАХМОНОВА

нақа халққа қайишадиган пермер бўлишини кўнглим сезганди-да. Хабаринг бор, Раймтойнинг кейинги хотини ҳам кетиб қолган. Бу боласи тушмагур бир жойда ишлаб, хотин, бола-чақа боқибни ўйламайди. Утган кунни узоқроқ қариндошимизнинг ўтириб қолган қизини сўраб борувдим. "Ўғлингизнинг ҳеч бўлмаса ер-пери борми?" деб сўрашувди, дегин, шу арзандам кўзим тирикчилигида хотинли бўлиб қолсин, деб ёлгон га-

«Агробанк» ОАТБ томонидан жорий этилган «Агрокапитал» ютуқли жамғарма омонат тури бўйича 2009 йил 22 октябрь кунини Тошкент шаҳри Чилонзор филиалида ўтказилган 2-ютуқлар тиражида ўйналган ютуқлар миқдорининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ўйналган ютуқ номи	Ютуқли чипта рақами	Вилоят бошқармасининг МФО си	Филиал номи	Омонат ҳисоб рақами
1	250,0 минг сўм	205	00614	ҚР Бўстон	20406000499003270001
2	100,0 минг сўм	229	00394	Марказий Идора амалиётлар бошқармаси	20406000599048294003
3	100,0 минг сўм	173	00614	ҚР Бўстон	20406000499003270001
4	100,0 минг сўм	262	00474	Дўстобод	20406000199006589001
5	100,0 минг сўм	305	00474	Дўстобод	20406000199006589001
6	50,0 минг сўм	044	00614	ҚР Бўстон	20406000499005722001
7	50,0 минг сўм	143	00474	Дўстобод	20406000199006589001
8	50,0 минг сўм	245	00474	Дўстобод	20406000199006589001
9	50,0 минг сўм	102	00474	Дўстобод	20406000199006589001
10	50,0 минг сўм	188	00474	Дўстобод	20406000199006589001
11	50,0 минг сўм	264	00474	Дўстобод	20406000199006589001
12	25,0 минг сўм	152	00474	Дўстобод	20406000199006589001
13	25,0 минг сўм	110	00474	Дўстобод	20406000199006589001
14	25,0 минг сўм	079	00474	Дўстобод	20406000199006589001
15	25,0 минг сўм	117	00474	Дўстобод	20406000199006589001
16	25,0 минг сўм	056	00474	Дўстобод	20406000199006589001
17	25,0 минг сўм	160	00474	Дўстобод	20406000199006589001
18	25,0 минг сўм	049	00212	Қизилтепа	20406000399008810005
19	25,0 минг сўм	051	00474	Дўстобод	20406000199006589001
20	10,0 минг сўм	199	00614	ҚР Бўстон	20406000499005722001
21	10,0 минг сўм	270	00394	Марказий Идора амалиётлар бошқармаси	20406000299044884006
22	10,0 минг сўм	248	00614	ҚР Бўстон	20406000599007513002
23	10,0 минг сўм	276	00614	ҚР Бўстон	20406000599005303001
24	10,0 минг сўм	254	00474	Дўстобод	20406000199006589001
25	10,0 минг сўм	253	00474	Дўстобод	20406000199006589001
26	10,0 минг сўм	297	00474	Дўстобод	20406000199006589001
27	10,0 минг сўм	295	00151	Қарши АБ	20406000899002338004
28	10,0 минг сўм	106	00474	Дўстобод	20406000199006589001
29	10,0 минг сўм	204	00474	Дўстобод	20406000199006589001

«Агробанк» ОАТБ томонидан жорий этилган «Омад» ютуқли мuddатли омонат тури бўйича 2009 йил 22 октябрь кунини Тошкент шаҳри Чилонзор филиалида ўтказилган 2-ютуқлар тиражида ўйналган ютуқларнинг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ўйналган ютуқ номи	Ютуқли чипта рақами	Худудий бошқарма	Филиал номи	Омонат ҳисоб рақами
1	Рангли телевизор 76 см. ясси экранли	98	00602	ҚР Хўжайли	20606000199007467002
2	Рангли телевизор 54 см. ясси экранли	07	00394	Марказий Идора амалиётлар бошқармаси	20606000999045565002
3	DVD-плейер	27	00577	Хива	20606000299010493001
4	DVD-плейер	30	00577	Хива	20606000299010493001

«Агробанк» ОАТБ банк тизимида 2009 йил 21 октябрдан бошлаб «Эгасининг номи кўрсатилмаган» номли мuddатли омонати бўйича операцияларни амалга ошириш тўхтатилиб, Банк Бошқаруvinинг 2009 йил 17 июндаги 30/5-сонли қарори билан тасдиқланган «Эгасининг номи кўрсатилмаган» номли мuddатли омонати бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби бекор қилинганлигини хабар қилади.
«Эгасининг номи кўрсатилмаган» омонатлар бўйича омонатчилар маблағларни 30 кун мuddат ичида олиши ёки «Агробанк» тизимида амалда бўлган бошқа омонат турига расмийлаштириши мумкин.
«Эгасининг номи кўрсатилмаган» омонатлар бўйича маблағлар 30 кун ичида олнимаса ёки бошқа омонат турига расмийлаштирилмаган тақдирда «Агробанк» мазкур омонат турига нисбатан талаб қилиб олинганча омонатлар бўйича фойзалар ҳисобланишини маълум қилади.



СПОРТ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧИ «D» ГУРУҲИДА ЎЗГАРИШ

19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш bosқичида Марат Кабаев шогирдлари билан бир гуруҳдан ўрин олган Мальдив ороллари ёшлар терма жамоаси мусобақада қатнашишдан бош тортди.
Энди қитъа биринчилигига тўртдан-тўртга йўланма берувчи икки ўрин учун Эрон, Туркманистон, Покистон, Ливан ва Ўзбекистон терма жамоалари кураш олиб боришади.
Ушбу гуруҳ ўйинлари Покистоннинг Лахор шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Аммо мамлакатда юзага келган нотинч вазият туфайли, ОФК ушбу қарорини ўзгартириш ҳам мумкин.
Кабаев шогирдлари саралаш bosқичидаги иштирокларини 8 декабрь кунини Покистон футбол терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайдилар. Сўнгги учрашув эса ойнинг 16-санасида гуруҳ фаворити, деяр эътироф этилаётган Эрон терма жамоасига қарши кечади.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТЗАЛ ТЕРМА ЖАМОАСИ ВЬЕТНАМДА

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ёшиқ спорт иншоотларида ўтказиладиган III-Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Вьетнамнинг Хошимин шаҳрига жўнаб кетди.
Бу бразилиялик мутахассис Сержио Сапо кўл остидаги терма жамоа учун дастлабки расмий турнир бўлади. Ўзбекистонлик футболчилар мусобақанинг «D» гуруҳида Киргизистон, Кувейт ва Жанубий Корея терма жамоалари билан кўч синашадилар. Биринчи ўйин 29 октябрь кунини Киргизистонга қарши ўтказилади. Ўзбекистон ва Киргизистон терма жамоалари октябрь ойининг бошларида Тошкентда бўлиб ўтган «Дўстлик» Кубоги доирасида ҳам ўзаро учрашишганди. Ушундан томонлар муроса қўчасини таллашади — 1:1.
Вьетнамга жами 14 та футболчи билан йўл олган Сапонинг айтишича, Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоасининг олдига фақатгина битта вазифа — чемпион бўлиш қўйилган.
Эслайтиб ўтамиз, 2005 йил Таиланд ва 2007 йил

КРИШТИАНУ РОНАЛДУ «МИЛАН»ГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУША ОЛМАЙДИ

«Реал» жамоаси ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду тўлиғидан олган жароҳати туфайли Чемпионлар лигаси гуруҳ bosқичида «Милан»га қарши майдонга туша олмайди.
Сўнгги маълумотларга қараганда, португалиялик футболчининг ахволи бироз ўнганган, бироқ Роналду шанба кунини Испания премьерлигида «Хетафе»га қарши майдонга туша олмаслиги аниқ.
Келаси haftaда Роналду яна бир бор тиббий текширувдан ўтади. Текширув натижаларига қараб унинг қачон майдонга тушиши маълум бўлади.
«Реал» Роналдусиз ўтган сўнгги уч учрашувда имкониятни бой берган.
Азиз НУРУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Чора
ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмайт БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХУЖАЕВ.

«AGTECH AGRI»

шўъба корхонаси фермерларга «Джон Дир» техникаларини тақлиф этади.
Тошкентдаги омонатдан ғалла ва шолӣ ўриш комбайнлари ҳамда ер ҳайдов тракторлари сотилади.
Кафолат мuddати 1 йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.
Ўзбекистон валютаси — сўмда ҳисоб-китоб қилинади.
Масъулачилар сertiфикатланган.
Телефонлар (+99871) 244-69-79; 241-02-29 (+99897) 746-10-56 сот.
E-mail: s.sadykov@agtech.eu
Манзил: Тошкент ш. Навоий кўчаси 3/75.

САБЗАВОТЛАРНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН?

Қиш «гамини» эрта еган кишилар аёзли, қирчиллама совуқ кунларда сабзавот ва резаворларни қидириб юрмайдилар. Тўғри сақланган сабзавот ва резаворлар узоқ вақтгача озуқавий қимматини йўқотмайди. Сабзавотларни яхши сақлашнинг асосий омиллари уларни ўз вақтида териб олиб, саралаш ҳисобланади. Ута пишиб кетган, узоқ вақт туриб қолган сабзавотлар дағаллашади, ёрилади ва чиршига мойиллиги ортади.
Сабзавотларни яхши сақлаш учун аввало улар сақланадиган хона тайёрланади. Сабзавотлар одатда ўра ва ҳавоза жойларда (балкон) сақланади. Аввал хона соланади, ахлатлардан тозланади, шамоллатиб қуритилади. Зараркунанда ҳамда кемирувчиларни йўқотиш учун хлорли оҳанинг суви эритмаси билан дезинфекцияланади, тешик ҳамда тирқишлар тош, шиша синиқлари билан зичлаб ёпилади, устига оҳак ёки цемент қўйилади.
Сабзавотлар сақланадиган хонда ҳаво димланиб қолмаслиги керак, чунки сабзавотлардан ажралаятган ҳаво таркибида карбонат ангидрид гази тўпланиб қолади. Бу эса сабзавотларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун хона тез-тез шамоллатиб турилиши ёки унда тўйнуқ бўлиши керак.
Картошка сақлашдан олдин яхшилаб сараланади: чирган, захаланган, қисман шикастланган, яшил тусга кирганлари ажратилади. Картошка тирқишли ёғоч қутиларга солиниб, устмас-уст тахлаб қўйилади. Мабодо картошкани сақлаш учун махсус хона бўлмаса, уни ўрада ҳам сақлаш мумкин. Бунинг учун чуқурлиги бир-бир ярим метр бўлган ўра қазилади. Ўра иложи бўлса, кўрүк тупроқли, яъни зах бўлмаган, кудўк ва ариқлардан узоқроқ жойлардан қазилса бир қават сабази терилади. Бундай тадбир сабази куббасининг баландлиги 75 сантиметр бўлганча давом этирилади.
Қўпқаватли иморатларда яшовчилар сархил сабазиларни полиэтилен халталарга кўрүк ёғоч қипиги билан аралаш-

тирган ҳолда солиб, устини очик ҳолда сақлайдиган бўлсалар, узоқ вақтгача сифатини йўқотмайди.
Яхши сараланган пиёзларни қути ҳамда саватларда сақлаш мумкин. Пиёз бошлари барглари билан зичлаб ўраган ҳолда осиб сақланадиган бўлса, сақлашни мuddати чўзилади.
Карамни ертўлаларда қалин қозғоларга ўраб сақлаш мумкин. Қарам бошлари тирқишли тоқчаларга икки-уч қатор тахлаб сақланади. Шунингдек, уни шилпа, михларга осиб сақлаш ҳам мумкин. Бунда карамнинг устки ёпирами барглари билан бириктирилади.
Тадбиркорлик билан сақланган сабзавотлардаги шифобахш моддаларнинг салмоси йўқолмайди, улардан тайёрланадиган таомлар хушхўр ва фойдали бўлади.
Ошрайхон қуоқ-суоқ таомларга хуш таъм, лаззат бағишлабгина қолмай, балки шифобахшлиги билан бир қатор хасталикларга ҳам даводир. Ошрайхонни қуритиб сақлаш мумкин. Қузда ошрайхон тути билан қўчириб олинди-да, совуқ сувда яхшилаб ювилади. Силкитиб, сув томчиларидан холи этилган, тоза қозғ устига қўйиб пана жойда қуритилади. Тахминан бирор haftaлардан кейин райхон барглари қуриб, осон тўқилдирилган бўлади. Қуриган барглари янчилиб, шиша идишларда сақланади.
Ошрайхон даламбаси буйрак, қовуқ, муртак безлари, пешоб йўллари шамоллашди, тушмов, грипп, безгақ хуруждан фориз этишда самарали восита. Райхон мева қоқларини зараркунанда хашаротлардан ҳам асрайди.
Дано ХУЖАЕВА,
олий тоифали дорихунос.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.
Манзил: Тошкент, Каттақўрғон кўчаси, 32-уй.
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Каттақўрғон кўчаси, 32-уй.
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи:
М.ЮСУПОВ
Мушаххис:
С.КОДИРОВ
Дизайнер:
М.ШУКУРОВ